

1930 йил
12 майдан
чиңа
бошлаган



Қонуңчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ДОССИЕ

Nº 43 (3415)

2001 йил 25 октябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бош мұхаррир минбари

ХУШЁРЛИКНИ ЙҮКӨТМАЙ ЯШАЙЛИК!

Шу кунларда Афганистанда Америка Күшмә Штатлари ва Буюк Британия Куролли кучлари томонидан халқаро коалиция күмагида АҚШда минглаб бегуноҳ одамларнинг бевакт ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлган ғайриинсоний жиноятларга қарши антитеррористик операция давом этмоқда. Инсоният таракқиётининг ҳозирги даврида бутун жаҳон умумий оғатга қарши бирлашган бир пайтда соғлом фикр юритувчи барча инсонлар ҳамкорликда ҳаракат қилишлари лозимдек туюлган эди.

Амалда эса айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситалари ходимлари “шов-шув”лар кетидан қувиб, уйдирмалар тарқатиш ва минтакамизлаги вазиятни кескинлаштиришга үринишағы

Бундай уйдирмалар нечоғли хавфли эканлигини инобатга олиб, илгариrok рўй берган воқеаларга қайтиш ўринли, деб ўйлайман. Ўзбекистон ва Россия Президентлари ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали сўзлашувлардан бирида асосга эга бўлмаган, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида Афғонистондаги вазиятнинг бориши ҳақида шарҳлар ва мулоҳазалар берилишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик масаласи кўтарилиган эди. Бу масала икки мамлакат Ташқи ишлар вазирларининг телефон орқали сўзлашувида ҳам тилга олиниб, улар ҳозирда юзага келган аҳвол ҳақида ҳаққоний ва холисона ахборотлар беришга даъват этилган оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юкланганини таъкидлагандилар.

Аммо айрим “телеучарлар” бунга амал қилишмаяпти. Уларга ва улар лақиљлатмоқчи бўлаётганларга шуни эслатиб кўймоқчимиизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз Баёнотида мамлакатимизнинг Афғонистонда ўтказилаётган антитеррористик операцияга нисбатан муносабатини аниқ-равshan ифодалаб бердилар. Ушбу Баёнотида Ўзбекистон томонидан қабул қилинаётган барча қарорлар, аввали, давлатимиз манфаатлари ва халқаро хукуқ меъёрларига мос келиши айтиб ўтилди.

Баёнотда таъкидланганидек, мамлакатимиз АҚШ ва Буюк Британия томонидан ўтказилаётган антитеррористик операцияни кўллаб-кувватлаб, уларга ўз ҳаво худудини такдим этди, битта ҳарбий аэродромга транспорт самолётлари ва вертолётлар кўниши, улар факат қидируктқарув ишларини амалга ошириши ҳамда инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда фойдаланинчи уруғи руҳот берди.

Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги ролини бузиб кўрсатишга уринаётганларнинг тегирмонига сув куяётган баъзи “телеучарлар”га зарба бериш мақсадида шуни таъкидламоқчимизки, уларнинг ўринсиз хатти-ҳаракатлари XXI аср вабоси – халқаро терроризмни йўқ қилишга интилаётган дунё ҳамжамияти бирлигига ва кенг жамоатчилик фикрига рахна солишдан манфаатдор бўлаётганларга кўл келади.

Мамлакатимиз афғон муаммосини комплекс тарзда ҳал этишнинг тарафдори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Боз устига, биз террорчилар одамларга қанчалик фам-кулфатлар келтиришини нафакат кинофильмлар орқали биламиз. Ҳозиргача юртимизда инсониятнинг бу күшандалари томонидан бомбалар портлатилди ва бунинг оқибатида ўндан ортиқ ватандошларимиз бу ҳаётдан кўз юмдилар. Шу боис, халқимиз халқаро коалициянинг Афғонистон худудидаги ушбу мамлакатни ўз полигони ва таянч базасига айлантириб олган халқаро террорчи тўдаларнинг ривожланган тармоғини йўқ қилишга каратилган характерларини кўплаб-кувватламоқда.

Бунда Ўзбекистон дунёда террорчиларнинг фаоллашувини маблаг билан таъминлашда асосий манба ҳисобланган Афғонистонда гиёхвандлик моддалари ишлаб чиқариш ва умуман жаҳон наркобизнесига қарши олиб борилаётган курашдаги мустаҳкам позициясини баён этди.


Мамлакатимизнинг халқаро антитеррористик коалиция ҳаракатини кўллаб-куватлаши Афғонистон халқи ва унинг диний эътиқодига қарши йўналтирилмаган. Зоро, Ўзбекистон ушбу юртда юзага келган кескин вазиятни чукур хис этиб, афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича халқаро дастурда фаол иштирок этади.

Хозирги оддий бүлмаган давр ҳақида фикр юритар эканман, шуны таъкидлашни истардимки, бугунги кунда бутун тараккүйпарвар инсият халқаро терроризмга қарши курашда бирлашган бекиёс вазият юзага келди. Бу том маънода, курраи заминимизни одамларга ғам, ташвиш, ўлим келтираётган ёвуз ва қора кучлардан батамом тозалаш учун яратилган тарихий имкониятдир. Ва ушбу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш зарур.

Шу боис, халқаро коалицияга турли мамлакатлар, сиёсий тузуми ва қарашларидан қатъи назар, шу жумладан, араб ва мусулмон давлатлари қўшилаётганидан ажабланмаса ҳам бўлади. Халқаро терроризмга қарши курашнинг умумий байроги остига ривожланиши турлича бўлган давлатлар, турли динга мансуб халқлар жипслашган. Улар халқаро терроризмга қарши урушга кирап эканлар, афғон халқи ёки ислом дини билан эмас, балки улар ортига яшириниб, жаҳон хавфсизлигига таҳдид солаётгандарга қарши жанг қилишларини таъкидладилар.

Антитеррористик операциялар авж олиб бораётган шу кунларда ўзбекистонликлар халқаро терроризм ўчоклари ўз вақтида ва батамом йўқ килиниши республика барқарорлиги, халқимиз хавфсизлиги муҳим таъминланишининг асосий шартларидан бири эканлигига қатъий ишонч билдиришмокда. Шу сабабли улар Президентимиз Ислом Каримовнинг Баёнотини кўллаб-кувватлаб, унда айтилган фикрларни маъқуллар эканлар, давлатимиз раҳбарияти теварагига янада жипсрөк ўрнашиб, мустакил Ўзбекистон гуллаб-яшнашига эришиш, келгусида ислоҳотларни муваффакиятли амалга ошириш, тинчлик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солажакларини маълум қилмоқдалар. Шу маънода фуқароларимиз шундай дейишяяпти:

— Хавотирга тушишимиз учун ҳеч қандай асос йўқ. Осойишталикка эришиб, хушёрликни йўқотмаган ҳолда яшаймиз ва меҳнат қиласиз!



... бугунги кунда бутун тарақкий-парвар инсоният халқаро терроризмга қарши курашда бирлашган бекиёс вазият юзага келди. Бу том маънода, курраи заминимизни одамларга ғам, ташвиш, ўлим келтираётган ёвуз ва қора кучлардан батамом тозолаш учун яратилган тарихий имкониятдир. Ва ушбу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш зорур.



ЖУРНАЛЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТАДАГИ СОНЛАРИ БОСМАДАН ЧИКДИ

Нашр күрсаткичларимиз:

<u>Газеталар</u>	<u>Журналлар</u>
“Постда” - 180	“Qalqon” - 970
“На посту” - 169	“Щит” - 971

ХАВФНИНГ ОЛДИНИ ОЛЖШ МУМЖИН

Америкада күйдирги касаллигі билан оғриш ҳолатлари учраши ахолини саросымага солиб күйди. Сүнгти мәлімдерге қараста, үнлаб одомларда күйдирги касаллиги аломатлары аникланған ва улар шифохонага ёткизилген.

ЖУДА КЕРАКЛИ ЖИҲОЗ

Республика ИИВ эксперт-криминалистика бўлими бошлиги хонасидағи кўргазма столида стандарт тўғри бурчакли кўринишга эга, асосий тармоқ ва замонавий компьютер курилмасидан иборат унча катта бўлмаган аппарат кўзга ташланади.



Германиядаги атроф-муҳит технологияси институти вакили, доктор В. Концунг пробиркани қўлига олиб, унинг тубида кўриниб турган қандайдир моддани аралаштиради. Орадан икки дақиқа вақт ўтгач, дисплей экранидаги олиб борилаётган тадқиқот бўйича мукаммал ахборот пайдо

бўлади. Шунда бу пробиркада марихуана борлиги ойдинлашади, шу билан бирга айнан ана шу гиёхвандлик моддасининг ҳосил бўлиши манбалари ҳақида хулоса чиқариш имконини берувчи модда таркибининг тўлиқ тақсимлаш нисбати ва аралашмаси ўз ифодасини топади.

Доктор В. Концунгнинг айтишича, IMS-NARC анализатори ёрдамида гиёхвандлик моддалари, шунингдек, портловчи моддалар таркибини юқори даражада аниқлаш мумкин. Ушбу асбоб кўчма бўлиб, уни автомобилга ёки бошқа электр тармоғи улаб ишлатиш мумкин.

Мазкур қимматбаҳо асбоб (60 минг немис маркаси) германияликлар томонидан республика ИИВга ҳада қилинаётган пайтда бир йўла ишлатилиши на мойиш этилди. Намойиш чоғига республика Ички ишлар вазирийнинг муовини, милиция генерал-майори Б. Парпиев ва Германия Федератив республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва мухтор элчиси М. Хаккер иштирок этди.

Маросимни милиция генерал-майори Б. Парпиев очар экан, Германия криминал полиция хизмати (БКА) вакили қўмогида Ўзбекистон ИИВ ва "Siemens", "Opel", "Mercedes" ҳамда бошқа корхоналар ўртасида мустаҳкам ишбильармонлик алоқалари

ўрнатилганини таъкидлади. Бир қанча лойиҳалар жорий этилди, талайгина керакли асбоб-ускуналар ва ашёлар олинди. Хусусан, "Siemens" фирмаси билан ҳамкорликда дактилоскопик ахборотлар айланишининг Миллий тармоғини яратиш, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

IMS - NARC асбобига келсақ, унда гиёхвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, портловчи моддалар, терроризм ҳолатлари билан боғлиқ жиноятларга оид ашёйвий далиллар билан эксперт тадқиқотлари ўтказиши масалаларини тезкор ҳал этиш имконини берувчи жаҳон фанининг энг сўнгги ютуқлари ўз ифодасини топган. Асбобнинг имкониятлари катта: ўрганилаётган модданинг бир нечта спектрини ўзаро таққослаб кўриб, уларнинг барча ҳаракетистикаларини аниқлаш мумкин, компьютер техникасидан фойдаланиш эса нафақат таҳлил

этилаётган модда бўйича стандарт маълумотлар базасини қўллаш, балки уларни зарур кўшимча маълумот билан таъминлаш имконини ҳам беради.

Шуниси диққатга сазоворки, бошқа давлатдаги илмий институт томонидан Ўзбекистон ички ишлар идораларига амалда ёрдам кўрсатилган биринчи ҳолатдир. Ўзбекистон ФА Электроника институти раҳбарияти ушбу керакли асбоб кўлга киритилиши учун катта сайди-ҳаракатлар қўлтанини ҳам айтиб ўтиш зарур.

ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва Мухтор Элчиси М. Хаккер иккى мамлакат ҳамда ушбу давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида муносабатлар ривожланиб бораётганидан мамнун эканлигини айтди. Бу айниқса, бутун дунё ҳалқаро терроризм фоаллашганидан хавотирга тушган буғунги кунда долзарбидир. У Ўзбекистон Республикаси ИИВ ички ишлар идораларининг гиёхвандлик моддаларининг ноқонуний айланниши ва портловчи моддаларга қарши кураш соҳаси

даги олиб бораётган фаолиятини анча енгилаштириш ва самародорлигини оширишга хизмат қиливчи асбобнинг топширилиши чукурлашиб бораётган ҳамкорликнинг яна бир тасдиги эканлигини таъкидлади. Элчи ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чукурлаштиришга, уни янги мазмун билан бойтишига тайёр эканлигини маълум қилди.

Маросимда шунингдек, Германия криминал полицияси хизмати (БКА)нинг Ўзбекистондаги алоқа офицери М. Ментшес, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги гиёхвандлик моддалари устидан назорат қилиш бўйича Миллий ахборот-таҳлилий маркази директори К. Дусметов, Ўзбекистон Республикаси ФА вице-президенти Т. Солиҳов, Ўзбекистон Республикаси ФА Электроника институти директори У. Расулов, республика ИИВ ва Давлат божхона кўмитаси қатор бошқармаларининг раҳбарлари иштирок этиши.

Ўз мухбиримиз.
Суратда: асбоб топширилаётган пайт.

ЯНГИ ТАЯНЧ ПУНКТИ

Профилактика инспекторлари ишини яхшилаш борасида Хоразм вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ҳозирда 53 та милиция таянч пунктлари ишлаб турибди, 78 та хизмат хоналарини милиция таянч пунктларига айлантириш учун таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шовот туманидаги "Манак" қишлоғида ҳам замонавий, барча талабларга жавоб берадиган милиция таянч пунктлари қуриб битказилди. Унинг очилишида вилоят ҳокими И. Бобоҷонов қатнашиб, нутқ сўзлади. Нотик ўз сўзида бугун тинчлигимизни сақлаш ишига барча масъул эканлигини айтиб, оғоҳ ва ҳуշёр бўлишига қарди ва ҳар қандай тажо-

вузларнинг олдини олишга ҳисса қўшиш лозимлигини уқтириди.

Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковники А. Бобоҷонов ҳар томонлама қулагиларга эга бўлган бундай милиция таянч пунктлари фақат осойишталик ва ҳалқимиз тинчлиги учун хизмат қилишини таъкидлайди.

Сўзга чиқсанлар ушбу



бинони қуриб битказишда яқиндан ёрдам кўрсатган қишиларга ўз миннатдорчиликларни билдирилар. Қурилишда фаол иштирок этганларга вилоят ички ишлар бошқармасининг мукоммал алоқалари

фот ва эсадлик совғалари топширилди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Суратда: милиция таянч пунктининг очилиш маросимидан лавҳа.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили хақида"ги Конунини бажариш борасида ИИВ ёнгина хавфсизлиги Бош бошқармасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бош бошқармада ҳар йили 21 октябрда Давлат тилига бағишилаб тантанали тадбирлар ўтказилади. Уларга тилшунос олимлар, "Маърифат" ҳалқаро жамиятининг аъзолари таклиф этилиб, давлат тилига оид мавзуларда сұхбатлар уюштирилади, маърузалар тингланади.

Бош бошқармада хизмат қилаётган ходимларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ҳамда русийзабон ходимларни давлат тилига ўқитиш ҳам йўлга кўйилган. Ушбу йўналиш бўйича иккита гуруҳ ташкил этилиб, жорий йилнинг апрель-июн ойларида ходимларга "Маърифат" ҳалқаро жамиятининг ўқитувчиси С. Одилова томонидан машгулотлар ўтказилди. Машгулотлар якуни бўйича синов имтиҳонлари қабул қилиниб, муввафқиятли ўтганларга "Маърифат" ҳалқаро жамиятининг сертификати берилди.

Бош бошқармадаги мавжуд пешлавалар, эълонлар тахтаси, мурхлар, тамғалар ва иш юритиш қоғозларининг матнлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ёнгина хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори талабларига мослаштирилди ва лотин ўзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтирилди.

З. МИРЗАҲМЕДОВ,
ички хизмат майори.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасида ҳам тил байрами кўтариликлик билан нишонланди. Тадбирда бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковники Абдулҳамид Абдуллаев сўз олиб, "Давлат тили тўғрисида"ги Конун талабларини бажариш борасида вилоят ички ишлар идораларида олиб бораётган ишларга тўхталиб ўтди.

Фарғона Давлат университети доценти, филология фанлари номзоди М. Раҳмонов ҳамда университетнинг катта ўқитувчиси Ш. Исаевалар мустақилликка тилимизга бўлган муносабат, ўзбек тилининг истиқлол йилларида равнаки тўғрисида мъруза қилдилар.

Фарғона шаҳридаги 1-мехрибонлик уйи тарбияланувчилирининг байрам дастури ниҳоятда қизиқарли бўлди. Улар Ватанни, она тилимизни улуғловчи шеърлар айтиб, кувноқ рақслар ижро этилар.

Милиция лейтенанти Тоҳиржон Шокиров раҳбарлигидаги вилоят ички ишлар бошқармаси ҳаваскор-санъаткорлари, таникли хондана Шаҳло Рустамова, "Кир гуллари" ашула ва ракс дастаси раққосаларининг чиқиши байрамга янада файз бахш этди.

Б. ОМОНЗОДА.

2001 йил – Оналар ва болалар йили

ОРОЛБҮЙИ БОЛАЛАРИГА ЁРДАМ

Ўтган ҳафтада Андикон Шокиров раҳбарлигидаги вилоятида "Оролбўйи оналари ва болалари" дастурини ҳаётга татбиқ этиш учун "Экосан" Ҳалқаро жамғармасининг вилоят

да ишлаб топилган барча маблаб "Оролбўйи оналари ва болалари" дастурини ҳаётга татбиқ этиш учун "Экосан" Ҳалқаро жамғармасининг вилоят

О. ЙУЛДОШЕВ,
милиция подполковниги.

ПАХТАЗОР ЯЙЛОВ ЭМАС

Сурхондарё вилояти паҳтакорлари етиштирилган ҳосилни тезроқ ӣигишириб олиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бироқ беш қўл баробар эмас. Кимдир эл хирмонига ўз ҳиссасини кўшай деб эртадан-кечгача паҳта териб меҳнат қиласа, кимдир ўз чорва молларини паҳтазорга ҳайдаб, семиртириш пайида бўлмоқда.

Денов туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигига яшовчи Э. Отабек ўзининг 4 бош қорамолини паҳтазор ичида гўё яйловда боқиб юргандай қўйиб юборганинг гувоҳи бўлдик. Маълум бўлишича, ҳўжаликнинг 0,15 сотих паҳта даласида бемало боқиб юрганлиги маълум бўлди.

Бу каби ҳолатлар Шербод туманида ҳам борлиги бизни ачинтириди. Тумандаги Дехқонбод қишлоғига яшовчи Шопӯлат исмли йигит бир бош қорамолини дала четига боғлаб, ўзи бамайлихотир уй ишларини бажариб юриди. Эшбой Бердиев номли ширкат ҳўжаликтида яшовчи фуқаролар йигини маҳалла оқсоқоли фуқарога танбек берши ўрнига, уни кам таъминланган оиласидан деб ёнини олиши.

Самижон Отабоев номли жамоа хўжалигига яшовчи Э. Бахтиёр ҳамда К. Баҳодир-

лар 5 бош қорамолни қўшни Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигига пайхон қилиб, қонунга зид иш қилаётган ана шундай инсонларга қарши кураш асло тўхтамайди. Ҳалқимиз миллий бойлигини оёқ ости қилиш ўз юртимизга, ҳалқимизга нисбатан ҳурматлиликни деб ёнини олиши.

Бободеҳқон меҳнати эвазига етиштирилган паҳтани пайхон қилиб, қонунга зид иш қилаётган ана шундай инсонларга қарши кураш асло тўхтамайди. Ҳалқимиз миллий бойлигини оёқ ости қилиш ўз юртимизга, ҳалқимизга нисбатан ҳурматлиликни деб ёнини олиши.

Бободеҳқон меҳнати эвазига етиштирилган паҳтани пайхон қилиб, қонунга зид иш қилаётган ана шундай инсонларга қарши кураш асло тўхтамайди. Ҳалқимиз миллий бойлигини оёқ ости қилиш ўз юртимизга, ҳалқимизга нисбатан ҳурматлиликни деб ёнини олиши.

**С. АБДУВОҲИДОВ,
Ж. ХУШБОКОВ.**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОNUНИ

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИНГ ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИ ҲАМДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎФРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
қарор килади:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун
хўжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар ки-
ритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22
сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбе-
кистон Республикасининг Жиноят кодекси**
(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбе-
кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбо-
ротномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997
йил, №2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998
йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999
йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9,
229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001
йил, № 1-2, 23-модда):

**1) 15-моддасининг иккичи ва учинчи
қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ихтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар-
га қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан
кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум
килиш тарзидаги жазо назарда тутилган жино-
ятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида со-
дир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган
муддатга озодликдан маҳрум килиш тарзидаги
жазо назарда тутилган жиноятлар киради".

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум килиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум килиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради".

2) 43-моддасининг иккичи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Махкумларга асосий жазолардан ташқари
харфий ёки маҳсус унвондан маҳрум килиш тар-
зидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мум-
кин";

3) 44-моддасининг иккичи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш
бараваридан олти юз бараваригача миқдорда
белгиланди";

4) 50-моддаси:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан
тўлдирилсин:

"Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаёт-
ган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эр-
қакларга нисбатан тайинлаётган жазо муддат-
ни ушбу Кодекс Маҳсус қисмининг тегиши
моддасида назарда тутилган озодликдан маҳ-
рум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қис-
мидан ортиқ бўлиши мумкин эмас";

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари
тегишинча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қис-
млар** деб хисобланисин;

бешинчи қисмининг "а" банди қуйидаги
таҳрирда баён этилсин:

"а) ихтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят,
эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган учча
оғир бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳ-
рум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жа-
зони манзил-колонияларда";

олтинчи қисмининг "б" банди қуйидаги
таҳрирда баён этилсин:

"б) ихтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят,
эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган учча
оғир бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳ-
рум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жа-
зони манзил-колонияларда";

**5) 51-моддасининг биринчи ва иккичи
қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Отиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси
фақат жавобгарлики оғирлаштирадиган ҳолат-
ларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккичи
қисми), агрессия (151-модданинг иккичи
қисми), геноцид (153-модда), терроризм
(155-модданинг учинчи қисми) учун белгилана-
ди.

Ўлим жазоси аёлга, олтмиш ёшдан ошган
эрқакка ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят
садир этган шахсга нисбатан тайинланishi мум-
кин эмас";

6) 53-моддаси: чиқарib ташланисин;

7) Кодекс қуйидаги мазмундаги **66'-модда**
билан тўлдирилсин:

**"66 1-модда. Ярашилганлиги муносабати
 билан жиной жавобгарлиқдан озод килиш**

Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қис-
мida (қасдан баданга ўртacha оғир шикаст ет-
казиш), 106-моддасида (кучли руҳий ҳаянло-
ни ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртacha
оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зару-
рий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан
баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилиши содир этган шахсни
ушлашининг зарур чоралари чегарасидан четга
чиқиб, баданга қасдан оғир шикаст етказиш),
109-моддасида (қасдан баданга енгил оғир шикаст
етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмida
(қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқа-

сида баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст ет-
казиш), 116-моддасининг биринчи ва иккичи
қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларни
лизом даражада бажармаслик), 117-моддаси-
нинг биринчи қисмida (хавф остида қолдириш),
122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга ла-
ёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин
тovлаш), 123-моддасида (ота-онана моддий таъ-
минлашдан бўйин тovлаш), 136-моддасида (аёл-
ни эрга тегишига мажбур килиш ёки унинг эрга
тегишига тўсқинлик килиш), 139-моддасининг
биринчи ва иккичи қисмларида (тухмат), 140-
моддасининг биринчи ва иккичи қисмларида
(ҳақорат килиш), 149-моддасида (муаллифик
ёки ихтирочилик хукукларни бузиш), 167-мод-
дасининг биринчи қисмida (ўзлаштириш ёки
растрати йўли билан талон-торож килиш), 168-
моддасининг биринчи қисmida (фирибгарлик),
169-моддасининг биринчи қисmida (ўғрилик),
170-моддасининг биринчи қисmida (алда ёки
ишончи сунистемол килиш йўли билан мул-
кий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни
қўриқлашга вижондиси муносабатда бўлиш),
173-моддасининг биринчи қисmida (мулкни қас-
дан нобуд килиш ёки унга зарар етказиш), 192-
моддасида (ракобатчи обўрисизлантириш),
260-моддасининг биринчи қисmida (темир йўл,
денгиз, дарё ёки хаво транспортининг ҳаракати
ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоид-
ларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қис-
mida (транспорт воситалари ҳаракати ёки улар-
дан фойдаланиш хавфсизлиги қоидларини бу-
зиш), 268-моддасининг биринчи қисmida (тран-
спортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир
қоидларни бузиш), 298-моддасининг биринчи
қисmida (машиналарни бошқариш ёки улардан
фойдаланиш қоидларини бузиш) назарда тути-
лган жиноятларни биринчи марта содир эт-
ган шахс, агар у ўз айбига икор бўлса, жаб-
ланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни
бартараф эта, жиной жавобгарлиқдан озод
этилиши мумкин";

8) **73-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
"Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли
равища озод килиш маҳкум:
а) ихтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча
оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо
муддатининг камida учдан бир қисми;
б) оғир жинояти учун, шунингдек қасдан
содир этган жинояти учун, агар шахс илгари
қасдан содир этган жинояти учун озодликдан
маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайин-
лаган жазо муддатининг камida ярмини;
в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазо-
дан муддатидан илгари шартли озод қилинган
ёки жазоси енгилроги билан алмаштирилган
шахс жазонинг ўташмаган қисми мобайнида қас-
дан янги жиноят содир этганига учун ҳукм
қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддати-
нинг камida учдан иккичи қисми ҳақиқатда ўтаб
бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин";

9) **74-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
"Жазони енгилроги билан алмаштириш маҳ-
кум:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча
оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо
муддатinинг камida тўртдан бир қисми;

10) **85-моддаси:**
қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан
тўлдирилсин:

"Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта
бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нис-
батан озодликдан маҳрум килиш тариқасидаги
жазо тайинланмайди";

11) **89-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
"Жазони енгилроги билан алмаштириш маҳ-
кум:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча
оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо
муддатinинг камida тўртдан бир қисми;

12) **90-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
"Жазони ўташдан муддатidан илгари шартли
равища озод килиш маҳкуm:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят
учун тайинланган жазо муддатin Ning камida
тўртдан бир қисми;

13) **104-моддаси:**
биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жазони ўташдан муддатidан илгари шартли
равища озод килиш маҳкуm:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят
учун тайинланган жазо муддатin Ning камida
тўртдан бир қисми;

14) **111-моддаси:**
биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жазони ўташдан муддатidан илгари шартли
равища озод килиш маҳкуm:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят
учун тайинланган жазо муддатin Ning камida
тўртдан бир қисми;

15) **117-моддаси:**
биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жазони ўташдан муддатidан илгари шартли
равища озод килиш маҳкуm:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят
учун тайинланган жазо муддатin Ning камida
тўртдан бир қисми;

16) **118-моддаси тўртинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
"Жазони ўташдан муддатidан илгари шартли
равища озод килиш маҳкуm:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят
учун тайинланган жазо муддатin Ning камida
тўртдан бир қисми;

17) **125-моддаси:**
биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жазони ўташдан муддатidан илгари шартли
равища озод килиш маҳкуm:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят
учун тайинланган жазо муддатin Ning камida
тўртдан бир қисми;

18) **130-моддасининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жазони ўташдан муддатidан илгари шартли
равища озод килиш маҳкуm:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят
учун тайинланган жазо муддатin Ning камida
тўртдан бир қисми;

19) **135-моддаси:**
биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жазони ўташдан муддатidан илгари шартли
равища озод килиш маҳкуm:
а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят
учун тайинланган жазо муддатin Ning камida
тўртдан бир қисми;

20) **139-моддаси:**
биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг эллик барава-
ригача миқдорда жарима ёки иккича ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

Tabassum - TV

Поспра gazetasining ilovasi

Алишер Навоий номли Ўзбекистон академик опера ва балет Катта театрида навбатдаги спектакл тугади. Гулдурос қарсаклар остида қўлида гулдаста кўтариб чиқсан хорижлик меҳмонлар спектакла дирижёрлик қилган аёлни кўриб, ҳайратларини яшиrolмай, уни қайта-қайта олқишиладилар. Жаҳонда саноқли сёлларгина шуғулланадиган бу касб эгаси, ўзбек аёли Дилбар Абдураҳмоновани ҳал-қимиз фахр билан тилга олади. Ўзбекистон ҳалқ артисти Дилбар АБДУРАҲМОНОВА "Tabassum" меҳмони.

Дилбар опа Тошкентда санъаткор оиласида туғилди. Ўзбек опера санъати нинг атоқли намояндаларидан бири — Ўзбекистон ҳалқ артисти Фулом Абдураҳмоновинг ети фарзанди орасида қизи Дилбар санъат йўлини танлади.

— Дадам мени санъаткор бўлишимни ҳеч холамагандилар, — дейди Дилбар опа. — Бу жуда кўп меҳнатни талаб этадиган, машақкатли касб, қайналиб қолишингни истамайман, дердилар. Оиласизга тез-тез келиб турадиган санъаткорларни кўриб, уларнинг сұхбатини тинглаб, театрда ишлаш истагини билдирганман ва шу йўлда ҳаракат қилганман. Дадамлар спектаклда роль йўнаган кунлари, келиб саҳнадан томоша қилардим. Негадир залдан кетгим келмас, спектаклларда иштирок этгим келарди. Мактабда хор жамоаси тузилганди. Бир куни мен ўз билганимча жамоага дирижёрлик қилдим. Тўгарак раҳбаримиз, қўлинг келаркан, энди сен бошқарасан дедилар, жуда севиниб кетдим. Ўйга келсан дадамлар, машхур бастакор Мухтор Ашрафий билан сұхбатлашиб ўтирган эканлар. Дадамларга дирижёрлик қилганимни айтиб бердим. Шунда Мухтор ака бошимни силаб, дирижёр бўлишини истасанг тез-тез театрга бориб тур, ўзим ўргатаман, дедилар. Шушу театрга боғландим. Мактабни битириб, Тошкент Давлат консерваториясида ўқидим. Бу ерда дирижёрлик бўйича сабоқ

ТОЛЕИ БАЛАНД АЁЛ

олиб, ўқиши тугатганимдан кейин опера ва балет театрига ишга келдим. Театрда иш бошлаганимга роппа-роса қирк беш йил бўлди.

— Дадангиз назарда тутган қийинчиликларни енгиш осон кечмаган бўлса керак.

— Нимасини айтасиз. Лекин инсонда қатъият бўлса, қийинчиликни енгиши осон бўларкан. Мен ўн фарзандли оиласида катта келин бўлиб тушдим. Болаларнинг аксарияти ўғиллар. Ўзбек оиласида келиннинг хизмати осонмас. Спектакллар асосан кечкурун бўлади. Рўзгор ишларининг асосий қисми келин зиммасида. Лекин мен шу оиласида келин бўлганимдан жуда фахранаман. Чунки, мени тўғри тушуниб, ижод қилишимга, санъат йўлини ишларим ривож топишига шароит яратиб беришган. Ўзбек оиласида меҳмондорчилек кўп бўлади, тўй-ҳашамларга тайёргарлик, уни ўтказиш, ҳаммасига имкони борича улгуардим. Бирин-кетин фарзандлар туғилиши. Боғча ёшига етгунча онамлар, қайномалар боқишига кўмаклашиши. Атрофдагилар, театр жамоаси ҳам менинг оиласи шароитимни тушуниб, ёрдамларини ашмади. Оила, жамоа, ота -

онам томонидан қўллаб-куватлаш, ёрдам бўлмаганда, орзуласиим рўёбга чиқмаслиги мумкин эди.

— Билишимча, дирижёрлик касби билан жуда камдан-кам аёллар шуғулланиши...

— Тўғри, дирижёрлик қилишга аёллар кўпам қизиқавериш майди. Оркестрларда дирижёр аёллар бор, бироқ театр дирижёrlари саноқли. Тебардирижёри, спектаклни бошқарувчи дейилади. Гарчи четдан қаралса, осон ишга ўхшаса-да, аслида анча мураккаб вазифа. Дирижёрдан жуда кўп нарса талаб этилади. Хорижий давлатларда бўлганимда, кўпчилик ҳайратланарди. Нима учун бунчалик қийин касбни танлагансиз, деб сўрашиди. Инсон бир касбни астойдил севса, уни жон-дили билан бажарса, натижасидан кўнгли тўлиб, кўпчиликдан олқиши олса, ҳар қандай қийинчилик эсдан чиқиб, ишлаш осон кечаверади. Ҳозиргача ўзбек аёллари орасида биринчи театр дирижёри эдим, энди қорақалпоқ элидан ҳам аёл дирижёр етишиб чиқди. Аида Абдулаева иқтидорли санъаткор сифатида тилга олингани. Унинг бир қатор спектаклларга муваффақиятли дирижёрлик қилганини кўриб, жуда кувонаман.

— Сиз хорижий давлатларда бўлганигизда у ёрдаги аёллар билан ўзбек аёлларининг турмуши, ҳаётдағи ўрнини солишириб кўрганимиз?

— Албатта, қайси давлатда бўлмай, биринчи галда аёлларнинг туриш-турмуши, оиласидаги ўрни, жамият-

даги мавқеи, уларга яратиб берилган шарт-шароитлар мени қизиқтиради. Спектаклларга келган, шаҳарларда юрган, меҳмонхоналарда хизмат қилаётган аёллар билан сұхбатлашаман. Уларнинг оила, фарзандлар ҳақида-

бўлганим учун эмас, ҳаёт тажрибаларим, хорижий давлатларда кўрган, эшитганларимдан холоса чиқариб айтияман.

Аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрни баланд баҳоланиши, аввало, уларнинг жафокашлиги

таникли кишилар билан учрашув, ҳикоя, ҳажвия, ҳандалар, сканворд, кроссворд, мунахжимлар башорати, интернет ҳабарлари

такл намойиш қилиш осон эмас. Айниқса, кино, видеофильмлар ривожланган ҳозирги даврда театр залига мухлисларни жалб этиш учун тинмай изланиш, ҳаракат қилиш ва ўрганиш керак. Театримизда кейинги йилларда янги-янги спектакллар қўйиляпти. Ўзбек тилида намойиш этилаётган спектакллар сонини кўпайтирямиз. Артистларимизнинг маҳоратини ошириш учун шарт-шароитлар яратишга эътибор кучайтирилди. Яна бир қувончлиси, репертуаримизда болалар учун аталган спектакллар сони ошиб боряпти.

— Ҳаётингизда чуқур из колдирган воқеаларни эслай оласизми?

— Албатта, мен биринчи марта театрда дирижёрлик қилган қунимни ҳеч қачон эсдан чиқармайман. 1960 йилда саккизинчи март кўни Вердининг "Аида" операсига дирижёрлик қилгандим. Ёнимда устозим Мухтор Ашрафий турғанлар. Бутун жамоа спектаклни мустақил бошқарганим учун табриклишган.

— Кўпчилик санъаткорларнинг оиласи билан қизиқади.

— Оилас билан фахрлансан арзиди. Турмуш ўртогим Ўткир Шомуродов Тошкент политехника университетида ишлайдилар. Санъат йўлида эришган ютуқларимда умр йўлдошимнинг хизматлари катта. Оиласа фарзандлар тарбиясида, мен билан баравар иштирок этдилар. Хизматимнинг масъулиятини тўғри тушуниб, доимо қўллаб-куватлайдилар. Фарзандларимизнинг ҳақиқий инсон бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилганимиз. Уларни ўёки бу касбда ишлайсан, деб шарт қўймаганимиз. Шунинг учун улар ўзлари истаган иш билан машгуллар. Яқинда неварамни турмушга бердик.

Мен аввало ўзбек аёли бўлганим учун, ўзимнинг севган касбимга эришиб, орзуласи амалга ошгани учун баҳтлиман. Ҳаётда мазмунли умр кечириб, жамиятга озгина бўлса-да фойдам теккани учун ҳам баҳтлиман.

— Мазмунли сұхбатинг учун раҳмат!

Садриддин ШАМСИДДИНОВ
сұхбатлаши.



ги фикрларини эшлиши янада қизиқ.

Аёл, аввало, оила учун яратилиган. Оиласа биринчи галдаги вазифаси фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш. Оқила аёл нафақат фарзандларини, умр йўлдошини ҳам тўғри йўлга солиши лозим. Фарзандларидан аёллар билан сұхбатлашганимда, шунга амин бўлдимки, уларда аёллар кўпроқ ўзларини ўйладилар. Шунинг учун бўлса керак, оила бузилишлари кўп учрайди. Ўзбек аёллари эса оиласи, фарзандларни ҳамма нарсадан устун қўядилар. Беш-олти фарзандни оқ ювиб, оқ тараф, ардоқлаб, вояга етказиб, уларнинг меҳнати ва месасидан баҳраманд бўлиб, Яратганга шукронга айтиб ўтирган ўзбек аёлларини ҳақиқий баҳт соҳибалари, деб ҳисоблайман. Бу гапни ўзбек аёлларида

“Гостда “газетаси жамоасига ишодий ютузлар сұхат-саоматлик, оиласиши хойиш-жамоасик тилмайланади табасуши айтишади! Абдикалиев.”

НОВВОЙХОНА ЁНГА ҚОЛДИ

Дам олиш куни құшнілар билан гурунглышыб ўтиргандык, бир халта тандир нон күтариб Саида опа ўтиб қолдилар. Саломимизга алик олмай туриб норози оңанғда гап бошладилар.

Шунча әрқак, хайф сизларға. Тандир нон учун үч маҳалла нарига бориб келяпман. Юрекларингда ўт ўйқ. Шунча бүш майдондың ётибди. Битта новвойхона қуришни эплай олмайсизларми? Қачонгача тандир нон қидириб сарсон бўламиш.

Ҳамманинг дами ичида тушди. Саида опа халталарини күтариб, яна нималардир деб, уйга кириб кетдилар.

Яқинда кўчиб келганим. Тўққиз қаватли уйнинг атрофида бўш ётган жойлар кўп.

Опа тўғри айтдилар, битта новвойхона қуриш керак. Энди бу ёғи, худо хоҳласа, тўйларни ҳам бошлаймиз. Иссиққина нон дастурхонга тортилса қандай яхши, — деди қўшнимиз Азиз ака.

Новвойчилик қўлидан келадиган ўигитлар бўлса, ишлайверади, тириклиги ўтади, — деди тижоратчи қўши.

Ҳар тарафдан фикрлар билдирилиб, новвойхона куриладиган бўлди. Келгуси ҳафтаёк, курилиш бошланади, ҳар ким қурби етган қурилиш материалини олиб келади. Келаси шанба, якшанба кунлари ҳашар эълон қилдик.

Кўпдан қўён қочиб қутулмас деганларидек, икки кунлик ҳашарда анча-мунча ишлар битди. Пойдевор учун ер кавлаб,

цементли қоришма ўрнига тайёр блоклар қўйилди, устига фишт терилди. Үйимизда фишт терувчи, сувоқчи, умуман қурилиш ишларидан хабардор ўигитлар бор экан, ҳашпаш дегунча ихчамгина новвойхона битди. Пастки қаватда яшайдиган тёнгдош қўшни божасининг тандирчи усталигини айтиб қолди. Якшанба куни кечки пайт тандир келди. Кўплашиб машинадан тушириб, уста айтгандай қилиб ўрнатдик.

Мана, опанинг бир оғиз нордон гапи билан новвойхона ҳам битди, — деди тижоратчи қўши.

Э, ука, яхшия шу хотинлар бор, чакак уриб туради. Бўлмаса яна қачонгача тандир нон излаб юрадик, — деди Азиз ака.

Новвойхонага қараб, мақтовини келтириб тургандык, бир кексароқ киши келиб қолди.

Э, баракалла, гайратларингизга балли, жуда зўр иш бўлибди, — деди ўзини маҳалла фаолларидан бири эканини айтиб, — лекин бир оз шошиблизлар-да, новвойхона қуришга рухсатнома бўлиши лозим.

Ҳокимликдагиларни хабардор қилиш зарур. Албатта, улар ўйқ дейишмайди, лекин расмиятчилик ҳам керак.

Хуллас, маслаҳатлашиб новвойхонани рўйхатдан ўтказишни менга топширишди. Мехнат таътилида бўлганим учун рози бўлдим.

Сиз ҳужжатларни тўғрилаб келгунингизгача новвойхонани пардоzlаб,

чирайликкина йигитдай қилиб қўяшимиз, — деди Азиз ака.

Эртасига ёк ҳокимликка бордим. Тепакал, кўзойнагини бурнига тушириб олган киши муддаони эшишиб:

Шаҳарда ҳар қарич ер ҳисобдалигини биласизми? — деди киноя билан. — Каттакон новвойхона куриблизлар-у, рух-

ни бузишию, архитектура расига номуносиблигини бир неча марта тақрорлаб:

Хафта охирида кенгаш чақиргандиз, кўриб чиқиб, кейин рухсат берамиз, — деди.

Кечки пайт уйга келиб, қўшниларни дастлабки ишлардан хабардор қилдим. Ҳафта охирида яна ўша миқти кишига учрашдим.



сат сўрамаблизлар-да.

Каттакон эмас, кичкинагина, бир хонадоннинг тандирхонасида келади, — дедим ўзимни айбор кўрсатиб.

Бўлар иш бўпти, шаҳар архитектура идорасидан рухсат қофоз олиб келасиз, — деди.

Тушдан кейин архитектура идорасига бордим.

Бу қанақа ўзбошимчалик, индамай корхона қуриб олишдан ҳам тоийшмайди, — деди паканагина миқти киши.

Нега ваҳима қиласиз? Кичкинагина новвойхона-ку.

У ерда тўйхона бўлади. Ҳамма ёқда куриляпти, шунга кўра биз ҳам...

Гапим оғзимда қолди. У киши бидирлаб кетди. Новвойхона шаҳар хусни-

— Новвойхонага рухсат бердик, лекин тўйхона қуришдан олдин албатта учрашинг, — деб қўлимга бир парча қофоз тутқазди.

Бу ёғи яхши бўлибди, энди курилиш ташкилотидан қофоз керак, — деди ҳокимлик ходими.

Кечирасиз, умуман шу кичкинагина новвойхонага рухсат олиш учун яна қайси идораларга бориши керак? Рўйхатини ёзуб олай, — дедим.

Тўғри қиласиз, ҳар гал келавериб мени ҳам безовта қилмайсиз, — деб бир варақ қофозга ўнга яқин идора номини ёзив берди.

Идорама-идора югуриш бошланди. Қурилиш ташкилотидан бир муҳандисни бориши келдим. Уларда таомил шундай

экан. Муҳандис новвойхонани қўрди, атрофини айланди. Бир-икки айбини топди.

Ука, курувчилар ўзимиздан, камчилигини тўғрилаймиз, — дедим. Кейин қўни-қўшнилар билан ўтада йиғилган пулдан озроғини чўнтағига солиб, рухсат қофозини олдим.

Электр тармоқлари идорасидагилар арант пастга тушиши:

Ишлаб чиқариш корхонасига вазирлик рухсати керак, — деди калондимоғ бир аёл.

Опажон, қанақа ишлаб чиқариш корхонаси бўлсин, оддий новвойхона-ку, — дедим.

Новвойхонада нон ёпиладими, демак ишлаб чиқарилади.

Француз атирини стол тортмасига солиб, озигина юмшади-да.

Эртага йигитлар бориши, кўриб рухсатнома бориши, — деди.

Газлаштириш идорасининг ходими айтган кундан роса уч кун кейин келди.

Ука, биз газ ишлатмаймиз, ўтин-чўп, кўмир билан тандир қизитамиз, — дедим.

Барибир биз бир кўришимиз керак-да, — деб новвойхонанинг ичида кирди. Кейин:

Индинга умуммажлис бўлади, мен ахборот бераман, катталар ҳам хабардор бўлишлари керак, кейин рухсатнома берамиз, — деб кетди.

Экология идораси тошкўмир ёқишига оёғини тираб олди.

Ахир, акахон, газ қиммат, маҳаллачилик, кимдан пул йиғамиз. Энг тинчи ўтин-чўп, тошкўмир.

Ҳажвия

Шаҳар ҳавосини бузади, шуни биласизми? — дея дўй қилди идора ходими.

Газ ёқса баттар бўлмайдими? — дедим.

У кун ўтиб идорадан икки киши келди. Новвойхонадан тўғри чойхонага олиб бордим. Паловни еб, чойхўрлик тугагандан кейин, қозоз қўлга тегди.

Ёнгидан сақлаш ходимлари ўт тушганда аранг етиб келади-ю, шунчаки текширувга вақтида келармиди. Роса уч кун югуриб бир йигитни бориши келдим. Айб топлмади-ю, ўтин-чўп ташқарида турсин деб тайинлаб, чўнтағига мен қўл согланимдан кейин қофозга қўл қўйди.

Колган идорадаги воқеаларни айтмай қўяқолай. Кичкинагина новвойхона машмашаси деб, бир ойлик таътил ўтидикетди. Рухсат қофоз қўлга теккан куни байрамдек бўлди. Саида опа жizzалий нон ёпдилар. Қўни-қўшнилар, бола-чақалар новвойхона атрофига йиғилдик. Ҳамма хурсанд.

Каттароқ яшикдай келадиган шу новвойхона учун бир ой сарсон қилишдими? Каттагина тўйхона қурсак нима бўларкин?, — деди тижоратчи йигит.

Эртадан ҳаракат қилсалар нақ нариги ёзга рухсат тегса керак, — деди Азиз ака.

Ўртада кулгу қўтарилиди. Таътилда бажариладиган ишларни мўлжаллаб қўйгандим. Ҳаммаси қолиб кетди. Расмиятчилик — сарсонгарчилик дегани-ю, ҳарқалай, новвойхона ёнга қолди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Ҳаёт сўқмоқларида

Қосим тоға саксон ёшни қоралаганда кучдан қолди. Мехнат билан одамлар даврасида умри ўтган қариянинг ўйда, телевизор қаршисида ёки набиралини даврасида ўтиришга тоқати етмайди. Чойхонага уч-тўрт чиқди-ю, “бе, аёллар гапни тўқиб-бичишига уста, гийбатчироқ бўлади десам, эреклар улардан ҳам ўтиб кетган экан”, — деб бормай қўйди. Ва, ниҳоят, бир ишга қуввати етмайдиган, бекорчиликдан бемор бўла бошлаган ота шундоқ қўча дарвоза ёнидаги ёғоч курсида эрталабдан кечгача ўтган-кетган билан салом-алик қилиб, тўғрироғи, кўпни кўриб, бекорчилик дардини унугтандай бўлиб ўтира бошлади.

Ана шундай ўтиришларда ота шу нарсага амин бўлдикни, инсондан қизиқ табиатли жонзот бўлмас экан. Ёнингдан ўтиб кетаётган одамнинг қадам олиши, ўзини тутишидан ҳам кайфияти, феъл-атворини билса бўларкан. Масалан, хув аваби, ийманнибигина, лекин жилмайиб салом бериб ўтган жувон икки-уч

РЎЙХАТДАН ЎЧГАН ОДАМ

кундан бўён ранги сарғайиб, кўзи қизарип, баъзан салом берни унтиб ўтарди. Яъни, турмуш ўртоғи билан ораларидан ола мушук ўтганди. Хайрият ярашишибди, буни унинг гулгун чехрасидан бўлса бўлади. Ани мўйловдор, барваста йигитнинг доимо оғзизда сигарет, чамаси, иши юришмаяпти шу боланинг. Ҳов аваби, кўчанинг нариги юзида бўлса ҳам нималарнидир гудраниб кетаётгани кунда ичади, хотини билан жиққамуш бўлиб, эрталаб ишга гандиралаб ўтади. Ота ундан салом кутмайди ҳам.

Лекин манави келишган, олифта йигитнинг табиати салчатоқроқ. Унинг қонини амал-парастлик бузаркан, ота буни “тажриба” қилиб билди. Қанақа тажриба дейсизми? Қанақа бўларди, ҳаёт тажрибаси-да. Яъни, ўша йигит машина кира олмайдиган шу тор кўчадан катта кўчагача пиёда чиқишига, демакки, отанинг ёнидан ўтишига мажбур. Илгарилари у отани

кўрмагандек, гўё чукур хаёлга ботиб, илдам ўтиб кетар, кичик ўғли тенги йигитнинг бу қилиги баъзан отанинг дилини оғритьарди ҳам, Кейинроқ йигит отани “пайқайдиган”, ҳатто узоқдан кўлини кўксига қўйиб, эгилиб келиб сўрашадиган, ҳол-аҳвол сўрайдиган бўлди. Бундан кўнгли кўтарилигандан шу йигит амалдан тушиб, анча одам қаторига қўшилиб, туппа-тузук бўлиб қолди-я” деган ўртоғи Нишон бувани уришиб ҳам берди,

“одам минг хил хаёлда юради, ҳамма сен билан менга ўхшаган бекорчими? Ҳаёл билан салом бермай ўтса ўтибида-да, бирда кўрмаган бўлса, бирда кўради, кўрмаяпсанми, бир яхши йигит бўй”, деди.

Унинг аччиқ дашномидан дили оғриган Нишон бувана “шошма, бир кун бу бола яна амалга ўтириб қолар, ўшандан сен билан гаплашаман” деганди. У кургур ҳам бир нарсани билмаса айтмайди. Мана, йигитнинг атвони бир ҳафтадан бўён

яна ўзгарди. Ҳатто, отанинг ўзи унга аввалроқ салом берса, эшитмаганга, кўрмаганга олади ўзини. “Тавба, — дейди дили оғриган ота. — Мен сендан ошон сўрайманми? Саломингни пишириб е, ўзингта сийлов! Ҳеч бўлмаса, ёшимни ҳурмат қилиб, тил учда бўлса ҳам сўрашиб ўт, нокас. Кечагина ҳай-ҳай демасам кучоқлаб белимни синдирай деб юрган одам... тавба”.

Ҳа, нима гап, нега жигибийронсан? Қим хафа қилди? — ҳассасини дўқиллатиб етиб келган Нишон бу

АУШАНБА,

29

ЎзТВ - I

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлинома".
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 "Ўзбектелефильм" на-
мойиши: "Санъат ошмени".
9.10, 10.35 ТВ метео.
9.15 "Ранглар жилоси".
9.35 "Шарки ва Жорж".
Мульти сериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Олтин тоҷ". Телеви-
зион ӯйн.
10.30 "Кичик оролчадаги
саргузаштлар". Бадий
фильм.
11.35 Дони Зокиро номидаги
халқ ҷолғу оркестрининг
концерти.
12.05 "Шоҳруҳ клуби".
12.25 Телевизион миниатю-
ралар театри.
12.55 "Олам". Телеалььма-
нах.
13.30 Таъқвандо бўйича
Ўзбекистон кубоги.
14.10 ТВ-1 наомиш этади.
14.25 Кундузги сеанс: "Тов-
ламичи". Бадий фильм.
15.55 ТВ анонс.
16.00 "Бу ажаб фасл". Теле-
альманах.
16.25 "Зиёд" студияси на-
мойиши этади: "Эътиод му-
стахкамлиги йўнида".
16.55 М. Шайхзода "Мирзо
Улугбек". Телеспектакль
премьераси. 1-кисм. 18.10
"Танаффус". Мульти фильм.
18.20 "Ўзбекистон фукаро-
си".
18.35 "Тағисифот".
18.50 "Баҳтили воқеа". Теле-
лотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тили-
да).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабар-
лари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Ахборот плюс".
21.15 Ўзбекистон халқ арти-
стлари.
21.35 "Аср муаммоси". 1-
кисм.
22.05 "Маънавият" дастури.
22.35 Футбол. Ўзбекистон
чемпионати. "Трактор" -
"Нефтчи".
23.20 "Ахборот".
23.55-00.00 Ватан тимсол-
лари.

ЎзТВ - II

- 9.40 Курсатувлар дастури.
9.45 "Давр тоңиги".

СЕШАНБА,

30

ЎзТВ - I

- 10.00 Бизнес-академия.
10.15 "Йўлбарс ҳакида
ҳакиқат". Ҳужжатли фильм.
11.05 Эрта сўнгани юлдузлар.
11.25 "Ҳаётга қайтиш". Бадий
фильм. 1-кисм.
12.00 Ӯзбегим кураши.
12.40 "Ҳакиқат чегараси".
Телесериал.
13.05 "Робинсон Крузонинг
ҳайти ва ахойж баргузашт-
лари". Бадий фильм.
12.05 "Кишилк ҳакида
ӯйлар".
12.25, 15.50 ТВ анонс.
12.30 Жаҳон киноси юлдуз-
лари.
12.50 "Ахборот плюс".
13.00 М. Шайхзода. "Мирзо
Улугбек". Телеспектакль. 1-
кисм.
14.10 "Кувнон шахарча". Телеви-
зион ӯйн.
14.40 "Экспедиция". Телесери-
нал. 19-кисм.
15.30 "Ўзингни, ўз ӯйнингни
ўзинг асра!".
15.55 М. Шайхзода. "Мирзо
Улугбек". Телеспектакль премье-
раси. 2-кисм.
16.55 "Ватаннинг хизмат
киламан".
18.10 "Муми-тролла комета".
Мульти фильм премье-
раси.
18.25 "Орзулар давони".
18.35 "Омад кувончи". Теле-
лотерея.
19.05 "Мулк".
19.30 "Ахборот" (рус тили-
да).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янги-
ликлари" (инглиши тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Сийёсат оламида".
21.25 Ўзбекистонда хизмат
курслатган артистлари.
21.45 "23, 5 даражали бур-
чак остида". Телесериал
премье-раси. 36-кисм.
22.10 Футбол. Ўзбекистон
чемпионати. "Дўстлик" -
"Сурхон".
22.55 "Ахборот".
23.30-23.35 Ватан тимсол-
лари.

ЎзТВ - II

- 9.00 "Давр". Ахборот дасту-
ри.
9.15 Мульти фильм.
9.45 "Йиги авлод" почтаси,
"Билагон маслаҳати".

- 19.45 "Биласизми?"
20.20 ТТВда сериал: "Селе-
ста".
21.20 "Долзарб мавзу".
21.45 Алишер Навоий
ҳакида ривоятлар. "Шахзо-
да Гарib Мирзо", 8-кисм.
22.30 "Халқ саломатлиги
йўлида".
22.55 "Биринчи бўса". Киска
метражли бадий фильм.
23.45 Кинонигоҳ. "Эдемга
қайтиш". 11-кисм.
00.25-00.30 "Ҳайрли тун,
шахрим!"

ЎзТВ - IV

- РЖТ 6.30 - 8.00
13.00-14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕ-
ВИДЕОНЕСИ
14.05 "Мультчархпалак".
14.30 СFI тақдим этади: "22
- Бутунжонон цирк фестива-
ли".
15.00 "Рэй Бредбери теат-
р". Сериал.
15.55 Концерт "Пласидо До-
минго".
17.00 "Вести".
17.25 "Мұхаббат канотла-
ри". Сериал.
18.10 "Бугун оламда". Ахбо-
рот күрсатуви.
РЖТ
18.25 М. Евдокимов хузыри-
да меҳмонда.
19.00 "Мұхаббат замини".
Сериал.
20.00 "Мени кутгил".
21.00 "Время".
21.35 "Зарби каттик куч-3".
Сериал.
22.45 "ТВ-4да Немис тўкли-
ни".
23.05 "Бугун оламда". Ахбо-
рот күрсатуви.
23.20 Кинематограф. "Орхи-
дия вилласи". Бадий
фильм.
21.20 Буюк аждодларимиз.
21.30 Кишлоддаги тенгдо-
ши.
21.50 Олтин мерос
22.00 "Давр". Ахборот дасту-
ри.
22.30 Иктисад-news.
22.40 "Филип Марлоу". Телесериал 1-кисм.
23.05 "Ҳайрли" телеканали-
да спорт: Интерфутбол. (Та-
наффус). Пайтада - 23.50
"Давр". Ахборот дастури.
00.50-00.55 Ҳайрли тун!

30-канал

- Соат 16.55 гача профилак-
тика
17.00, 20.10 "Ўзбекистонда
тайёрланган"
17.05, 20.15 "Телеҳамкор".
17.30 "Кенди-Кенди" муль-
ти сериали.
18.00 "Шаддодлар ва гўзал-
лар" телесериал.
18.25 "Оқ бўрилар" саргу-
зашт фильми.
20.05 "Ошиқона" мусикий
дастури.
20.40 "Клип-совфа" телеба-
рикнома.
21.15 "Ҳайрли тун, кичкин-
тойлар!".
21.30 "Шаҳар топрелори"
18.45 ТТВда сериал: "Луиза
Фернанда".
19.30, 21.05, 22.15 "Эксп-
ресс" телегазетаси.

ЎзТВ - III

- 17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: "Санта-
Барбара".
18.00 Болажонлар экрани.
"Кундуз амакининг хикояла-
ри", 3-4 кисмлар.
18.30, 20.00, 21.25, 23.30
"Пойтакт". Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: "Луиза
Фернанда".
19.30, 21.10, 22.10 "Эксп-
ресс" телегазетаси.
19.45 "Йиги авлод" почтаси.
20.20 ТТВда сериал: "Селеста".
21.40 Алишер Навоий

ОРТ

- 6.00 "Ҳайрли тоңиг!" телекана-
ли.
9.00, 12.00, 15.00 Янгиликлар.
9.15, 19.00 "Мұхаббат ери".
Сериал.
10.15 "Каменская: соткинлар
биринчи навбатда ўладилар".
2-серия.

НТВ

ЧОРШАНБА,

31

ЎзТВ - I

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шархи.
8.55 "Ўзбектелефильм" на-
мойини: "Мусавири", "Бухо-
ро - хунармандлар.
шахри".
9.20, 10.25 ТВ метео.
9.25 "Тиббёт одимлари".
9.35 "Шарки ва Жорж".
Мульти сериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Бахтимизга омон
бўлинг".
10.30 "Шимол ёғидусини
ёкин". Бадий фильм.
11.45 "Бадилот сари".
12.05 "Сиёсат оламида".
12.25, 13.55, 16.50 ТВ
анонс.
12.30 М. Шайхзода. "Мирзо
Улугбек". Телеспектакль. 2-
кисм.
15.10 Кундузги сеанс: "Из-
топар". Бадий фильм.
16.35 "Бир сиким тупрок".
16.55 М. Шайхзода. "Мирзо
Улугбек". Телеспектакль
премьераси. 3-кисм.
18.10 Болалар учун.
"Кўзумчонк".
18.30 "Кумсоат".
18.45 "Айён дунёни тебра-
тар". Бадий - публицистик
курсатув.
19.05 "Инсон ва қонун".
19.30 "Ахборот" (рус тили-
да).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Ватан мадҳи". Шеъ-
рий композиция.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Ахборот плюс".
21.15 Санъат усталарининг
концепти.
21.35 "Аср муаммоси". 2-
кисм.
22.05 Курда бўйича Ўзбеки-
стон Президенти совини
учун халқаро турнир.
22.50 "Ахборот".
23.25 "Гаройиб ҳамроҳлар".
Теленовелла.
23.55-00 Ватан тимсол-
лари.

ЎзТВ - II

- 9.00 "Давр". Ахборот дасту-
ри.
9.15 Мультомоша.

ПАЙШАНБА,

1

ЎзТВ - I

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шархи.
8.55 "Ўзбектелефильм" на-
мойини: "Сополда акс этган
дунё".
9.10, 10.20 ТВ метео.
9.15 "Айён дунёни тебратар".
Бадий - публицистик курса-
туб.
9.35 "Шарки ва Жорж".
Мульти сериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Талаб ва таклиф".
10.25 "Императорнинг
сўнги фармони". Бадий
фильм.
11.55, 13.10 ТВ анонс.
12.05 "Болаликнинг мовий
осмони".
12.25 "Ўзбекистон: XXI аср
ёшлиари".
12.45 Яккакча жаҳон чемпио-
нати.
13.15 А. П. Чехов. "Кисмат".
Телевизион театр.
14.10 "Фарзандим - жигар-
бандим".
14.35 Кундузги сеанс: "Тўй
айборд". Бадий фильм.
15.50 Олея санъати саҳи-
фаларида.
16.10 "Билим-ринг". Теле-
